



«ТАСДИҚЛАНГАН»

“Жума элеватори” АЖнинг 2022
йил 28 июндаги 2-сонли умумий
йиғилиш баёни билан

Мажбурий тақдимат
жамиятни, күнгөк на
бондару, 120. Жамиятни дарий фасилитет
Шарои билан биринчилик роҳи
шароидарини тақдимади.

Онда Узбекистон Республикаси жамиятниң мураси сабаки
бекоми, сабаки ахлати ва физиктини тақдим этилган тарбия
жамиятниң мураси тақдимади, шунингдек, тарбияни
бекоми тақдимади беъланади.

Боғлиқ “Жума элеватори” акциядорлик жамиятининг

ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Узбекистон Республикаси Президентинин 8 апрелдаги №144-ФЗ
Ферукъ, Вазирлар Мажлисийининг 2021-йил 29-июнга 16-сон
мураси тақдимади, башхонани ва эндоқ юрничилик
зарубеги тутунадиги 2021-йил 29-июнга 16-сон
мураси тақдимади, башхонани художнири ва Ҳамит Утибовни
нисаб чибтаги.

І. БОНДАРУВ РАЙОННИ САЙДА САММАНЛАНО ВАКОЛАТЛАРИНИ ГУТАТИН ТАРИХИ

1.1. Жамият боғлару вилоят акционерномий тақдимади
томонидан утиб муддатта сифариши (таджрибади), муддатни
лафотиди тайсомтоби сориён тақдимади, шундай огуни
зарубегидан ортиқ боғлару вилоят мурасини олди.

1.2. Бондару вилоятини сориён тарбияни тақдимади
одатиданли Камиллорини газорни, сийахи зоҳир тақдимади, яхони
ионсаннир анишорк тақдим мурасини бутил таънови асосинида
сифариши.

1.3. Бондару вилоят мурасини тақдимади. Утибни тақдимади
куйнатити тураблар Жамиятини кагози тономидан бешгиланы.

1.4. Бондару вилоят мурасини тақдимади. Утибни тақдимади
умумий йўлигини тақдимади. Утибни тақдимади жамиятни охи
беруви тақдимади.

Жума шаҳри - 2022 йил

1.5. Бондару вилоят мурасини тақдимади. Утибни тақдимади
куйб Ҳамит Утибни тақдимади. Утибни тақдимади жамиятни охи
беруви тақдимади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом “Жума элеватори” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) ижроия органининг мақомини белгилайди ва унинг фаолиятини, хуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш Жамият Устави ва ушбу Низом билан белгиланадиган ижро этувчи орган –бошқарув раиси томонидан амалга оширилади.

1.3. Ушбу Низом жамиятнинг коллегиал ижроия органи - Бошқарувнинг мақоми, ваколат доираси ва фаолиятини ташкил этиш тартибини, Бошқарув ишини, унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш), шунингдек уларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.4. Бошқарув жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади ва жамиятнинг бошқарув органи ҳисобланади.

1.5. Бошқарув жамият кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобдордир.

1.6. Мазкур Низом “Акцидорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 мартағи 166-сон қарори ҳамда амалдаги бошқа қонунчилик хужжатлари ва Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

II. БОШҚАРУВ РАИСИНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

2.1. Жамият бошқарув раиси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади (тайинланади). Бунда, Бошқарув раиси сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига **икки муддатдан ортиқ** Бошқарув раиси бўлиши мумкин эмас.

2.2. Бошқарув раисини сайлаш тартиби Жамият Уставида белгиланади. Бошқарув раисини сайлаш қоида тариқасида, хорижий менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилади.

2.3. Бошқарув раиси лавозимига танлов ўтказиш тартиби, номзодга қўйиладиган талаблар Жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

2.4. Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги акциядорлар умумий йиғилишининг қарори йиғилишда қатнашаётган жамиятнинг овоз берувчи акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.5. Бошқарув раиси лавозимига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқилаётганда акциядорлар умумий йиғилишида қатнашишлари мумкин.

2.6. Бошқарув раиси лавозимиға номзод сайлангандан (тайинлангандан) кейин кузатув кенгаши у билан 3 (уч) йил муддатга шартнома тузади, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Шартнома жамият номидан кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Бошқарув раиси билан тузиладиган шартномада унинг жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган хисботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

2.7. Бошқарув раисига тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини бажарилиши билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади. Бунда, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона рағбатлантириш сиёсати асосида ойлик иш ҳақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлари миқдори кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Кузатув кенгаши томонидан белгиланган тўловлар миқдоридан ташқари ҳар қандай қўшимча тўлов турлари таъкиқланади.

2.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият Кузатув кенгаши, агар жамият уставига мувофиқ унга бундай ҳуқуқ берилган бўлса, Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у ушбу шартнома шартларини, жамият уставини қўпол равишда бузса ёки унинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) билан жамиятга зарар етказса, у билан тузилган шартномани муддатидан аввал бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.9. Жамият томонидан соликлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига бошқа тўловлар, давлат мақсадли фонdlари, иш ҳақи ва дивидендлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик ҳосил бўлганда, шунингдек, кетма-кет икки чорак мобайнида бизнес-режанинг асосий параметрлари бажарилмаган тақдирда, Бошқарув раиси билан меҳнат муносабатларини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала Жамият Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

2.10.Акциядорлар умумий йиғилишининг Бошқарув раиси билан тузилган шартномани бекор қилиш ёки муддатидан аввал бекор қилиш тўғрисидаги қарори йиғилишда қатнашаётган жамиятнинг овоз берувчи акциядорларнинг - акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.11.Кузатув кенгашининг Бошқарув раиси билан тузилган шартномани муддатидан аввал бекор қилиш тўғрисидаги қарори мажлисда иштирок этаётган кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.12.Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши томонидан Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, унинг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият ижроия органининг раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни

тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиши учун қолдирилиши мумкин.

III. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ РАИСИННИГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бошқарув раиси ваколатига жамиятнинг жорий фаолияти раҳбарлигининг барча масалалари киради, акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашнинг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

3.3. Бошқарув раиси Жамият Уставида, акциядорларнинг умумий йиғилишиқарорларида, Кузатув кенгаши қарорларида, у билан тузилган меҳнат шартномасида ва қонунчилик билан белгиланган ваколатлари доирасида иш тутади.

3.4. Бошқарув раиси куйидаги ҳуқуқларга эга:

- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилот ва корхоналарда жамият манфаатларини ифодалаш;

- жамиятнинг банк ва бошқа молиявий ҳужжатларига биринчи имзолаш ҳуқуқи билан банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобвараклар очиш;

- жамиятнинг мижозлари, шунингдек, бошқа ташкилот ва корхоналар билан битимлар ва шартномалар тузиш;

- жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол-мулки ва маблағларини тасарруф этиш;

- ходимларнинг штат жадвалини белгилаш ва тасдиқлаш;

- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ жамият ходимларига иш ҳақини (барча турдаги устамалар ва меҳнати билан *ишитирок* этиш *коэффициентлари*) белгилаш;

- жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни ва жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

- жамият номидан ишончномалар бериш;

- жамият таркибига кирувчи корхоналарнинг бошқарув органларида унинг вакилларини жамият номидан овоз бериш бўйича кўрсатма бериш;

- жамият хўжалик таваккалчилигини ва Бошқарув раисининг жавобгарлигини сугурталашни амалга ошириш;

- жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқариш ва қўрсатмалар бериш;

- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг ваколатига кирувчи ички меъёрий ҳужжатлар бундан мустасно;

- қонунчиликда, жамият уставида ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа хукуқларларни амалга ошириш.

3.5.Бошқарув раисининг мажбуриятлари:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

- Бошқарув раиси ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

- давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча ташкилот ва корхоналарда жамият манфаатларини ифодалаш;

- давлат ва жамият учун муҳим бўлган ахборот ва масалаларни ўз расмий ижтимоий саҳифаларида ошкор қилиш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил этиш, уни ишончлигилорини таъминлаш, йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида белгиланган тартибда тақдим этиш;

- ҳар чоракида йиллик бизнес-режанинг бажарилиши, жамият томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги ҳисботи тўғрисида Кузатув кенгашига ҳисбот бериш;

- жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг Кузатув кенгashi, тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талабига кўра тўсиқларсиз белгиланган тартибда тақдим этиш;

- жамият ходимлари томонидан хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақланишини таъминлаш, шунингдек тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини Кузатув кенгashi томонидан белгилашни ташкилластириш;

- жамиятни ихтисослашган ходимлар билан таъминлаш, шунингдек ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилияtlаридан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;

- ўзининг ҳамда жамият мансабдор шахсларининг ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали малакасини оширишни таъминлаш;

- меҳнат ва ички тартиб интизомига риоя қилиниши таъминлаш;

- ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини ва жамият ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаш;

- жамоа музокараларида ижроия органи вакилларининг иштирокини таъминлаш, жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида қатнашиш, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;

- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва жамиятнинг Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

- агар, жамият томонидан битим тузилишида у аффиланган шахс ҳисобланган тақдирда, кузатув кенгашини хабардор қилиш;

- жамият мулкини бегоналаштиришни, уни сотиш шакли ва механизмини, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кузатув кенгаши билан келишиш;

- жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланишни фақат кузатув кенгашининг тегишли қарори қабул қилинганда амалга ошириш;

- устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган жамиятлар кўчмас мулклари, автомототранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини “E-auksion” электрон савдо платформасидаги ижарага берилишини таъминлаш;

- ички ҳужжатларга, амалдаги қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

3.6.Бошқарув раисининг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари у билан келишилган ҳолда меҳнат шартномасида белгаланади.

3.7.Бошқарув раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

IV. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1.Бошқарув раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим ҳамда белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Агар ушбу банд қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдида жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

4.2.Бошқарув раиси ўз вазифасини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида жамиятига етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва жамият Уставига мувофиқ жамиятга етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмида жамият олдида жавоб беради.

а. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган заарларни қоплаш тўғрисида Бошқарув раисига нисбатан даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

V. ИЖРО ОРГАНИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ВА ЙИЛЛИК МУКОФОТ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоларига ўз вазифаларини бажариб турган давр учун жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлик ҳолда ҳар ойда қатъий белгиланган миқдорда (рағбатлантириш) ва ийл якуни бўйича йиллик мукофот тўланади.

5.2. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоларига ҳақ (рағбатлантириш) тўлаш умумий йиғилиш карорига мувофиқ амалга оширилади.

5.3. Жамият йиллик “Бизнес режаси” кўрсатгичлари (лизинг хизмати хажми, ялпи даромад, соф фойда)нинг чорак якуни бўйича бажарилиши Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоларига ҳақ(рағбатлантириш) тўлаш учун мажбурий шарт ҳисобланади.

5.4. Бошқарув раиси - ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий хисоблаш миқдорининг 10 баробаригача миқдорида.

Бошқарув аъзоларининг ҳар бири – ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий хисоблаш миқдорининг 8 баробаригача миқдорида рағбатлантирилади.

5.5. Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳар ойлик (рағбатлантириш)нинг миқдори акциядорлар умумий йиғилишнинг қарори асосида мазкур “Низом”га ўзгартириш критиш орқали ўзгартирилиши мумкин.

5.6.Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳар ойлик (рағбатлантириш) мазкур “Низом”акциядорлар умумий йиғилиши қарори асосида тасдиқлангандан кейин ойнинг 1- санасидан бошлаб тўланади.

5.7. Мукофот пули Бошқарув раиси ва аъзоларига бир йилда бир марта жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг якунлари бўйича жамият томонидан “Бизнес режа”да белгиланганидан ортиқча соф фойда олинганлиги учун берилади.

5.8. Молия ҳисбот йилида ўз функция ва мажбуриятларини бажарганлиги учун Бошқарув органи аъзоларига (бошқарувнинг 1 нафар аъзоси ҳисобидан) жамиятнинг йил якунлари бўйича қўшимча рағбатлантириш миқдори қўйидаги тартибда амалга оширилади:

5.9. Бошқарув раисига - асосий рағбатлантириш суммасини (базавий хисоблаш миқдорининг 10 баробаригача) бошқарув раиси сифатида амалда ишлаган даврига (ойларга) кўпайтирилган ҳолда;

5.10. Бошқарув аъзоларига - асосий рағбатлантириш суммасини (базавий хисоблаш миқдорининг 8 баробаригача) бошқарув аъзоси сифатида амалда ишлаган даврига (ойларга) кўпайтирилган ҳолда;

5.11. Мукофот пуллари суммаси акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарори билан соғ фойдани тақсимлаш масаласини кўриб чиқища тасдиқланади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўз қарорини қабул қилишда зарурятга қараб жамиятнинг молиявий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда, бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган мукофот пули микдори ва тақсимотини ушбу “Низом”нинг 5.4.бандида белгиланган кўрсаткичларга нисбатан ўзгартириши мумкин.

VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

6.1. Ушбу “Низом”га амалдаги қонун хужжатлари ўзгартирилганлиги ва жамият “Устав”ига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.2. Ушбу “Низом”га киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.